

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

Андижон "Саййид Мухйиддин махдум"

ўрта махсус ислом билим юрти

мударриси Рустамжон МАҲМУДОВ

томонидан тайёрланган

БОБЛАР МАЪНОЛАРИ

Андижон-2015

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
بَعْضُ أَحْكَامِ قِيَاسِيَّةٍ¹

Баъзи қиёсий ҳукмлар

لا بُدَّ لِطَالِبِ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ مِنْ أَنْ يَكُونَ مُتَضَلِّعًا مِنْ قَوَاعِدِ الصَّرْفِ وَأَحْكَامِهِ كَيْ يَكُونَ عَلَى أَمْنٍ مِنَ الْخَطَا فِي اسْتِعْمَالِ مَا جَرَتْ الْعَادَةُ فِي إِهْمَالِهِ مِنَ الْمَقْيَسَاتِ. فَمَا كَانَ مِنْهَا كَاسْمِ الْمَرْءِ وَالنَّوْعِ وَمَصَادِرِ مَا فَوْقَ الثَّلَاثِيِّ لَمْ نَذْكُرْهَا إِلَّا اسْتِثْنَاءً وَكَثِيرًا مَا اغْفَلْنَاهَا لِعِلْمِ الْمُطَالِعِ بِطَرِيقَةِ أَخْذِهَا عَلَى أَنَّهُ لَا يَخْلُو مِنَ الْفَائِدَةِ أَنْ تُورَدَ بَعْضُ تِلْكَ الْأَحْكَامِ الْقِيَاسِيَّةِ:

Араб луғатини толибига сарф қоидалари ва ҳукмларини яхши билиши лозимдир. Токи одатда бепарволик қилинаётган қоидаларни истеъмом қилишда хатодан омонда бўлса. Улар ичидаги исми марра², исми нав³ ва сулосийдан бошқа масдарларни енгил таништириб кетиш учунгина келтирамиз. Кўп ўринларда эса, уларни ўқувчи ўрганиб олиш тариқасини билгани учун ташлаб кетдик. Шу билан бирга баъзиларини келтиришимиз фойдадан холи эмас.

مَزِيدَاتُ الْأَفْعَالِ

هَذِهِ أَهْمُ الْأَعْرَاضِ الْمُسْتَفَادَةِ مِنْ نَقْلِ الْمُجَرَّدِ إِلَى أَوْزَانِ الْمَزِيدِ

Бу мужаррадни мазид вазнларига кўчиришда фойдали, муҳим мақсадлардир

فَعْلٌ

يُنْقَلُ الْمُجَرَّدُ الثَّلَاثِيُّ إِلَى وَزْنِ فَعْلٍ لِمَعَانٍ:

Сулосий мужаррад “فَعْلٌ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

(١) التَّعْدِيَةِ نَحْوُ: «فَضَّلْتُهُ وَفَرَحْتُهُ» فَإِنَّ مُجَرَّدَهُمَا لَازِمٌ.

1) Таъдият (лозим феълни мутаъаддийга айлантириш) учун келади. Масалан: “Уни афзал қилдим (ортиқ кўрдим) ва уни хурсанд қилдим” деган сўзингиз. Чунки, иккаласининг ҳам мужарради лозимдир. Яъни, “фазилатда ғолиб бўлдим ва хурсанд бўлдим”, деган маънода бўлади.

(٢) الدَّلَالَةِ عَلَى التَّكْثِيرِ نَحْوُ: «قَطَعْتُ الْجَبَلَ» أَيْ جَعَلْتُهُ قَطْعًا كَثِيرَةً.

2) Кўпайтиришга далолат қилиш учун келади. Масалан: “Арқонни кесдим” дейилса, “кўпгина бўлак қилиб кесдим”, деган маънода бўлади.

(٣) نِسْبَةِ الْمَفْعُولِ إِلَى أَصْلِ الْفِعْلِ نَحْوُ: «كَفَرْتُهُ» أَيْ نَسَبْتُهُ إِلَى الْكُفْرِ.

¹ Қиёсий деб, калимани қоидага мувофиқ ўзгартиришга айтилади. Самоъий деб эса, араблардан эшитиш орқали ишлатиб келадиган калималарга айтилади.

² اسم المرء-феълнинг бир мартада воқеъ бўлишига далолат қиладиган масдардир.

³ اسم النوع-феълнинг ҳайъати (кўриниши) ва навига далолат қиладиган масдардир.

3) Мафъулни феълнинг ўзагига нисбат бериш учун келади. Масалан: “كَفَّرْتُهُ” дейилса, “уни куфрга нисбат қилдим”, деган маънода бўлади.

(٤) السَّلْبِ نَحْوُ: «قَشَّرَتِ الْعُودَ» أَيْ نَزَّعَتْ قَشْرَهُ.

4) Бир нарсадан бошқасини салб яъни олиб ташлаш, йўқ қилиш маъносини ифода қилиш учун келади. Масалан: “قَشَّرَتِ الْعُودَ” дейилса, “пўстини олдим”, деган маънода бўлади.

(٥) اتَّخَذِ الْفِعْلِ مِنَ الْإِسْمِ نَحْوُ: «خَيَّمَ الْقَوْمُ» أَيْ ضَرَبُوا خِيَامًا.

5) Исмдан феъл чиқариш учун келади. Масалан: “خَيَّمَ الْقَوْمُ” дейилса, “улар чодир тикдилар”, деган маънода бўлади.

فَاعِلٌ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ فَاعِلٍ:

Сулосий мужаррад “فَاعِلٌ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

(١) لِلدَّلَالَةِ عَلَى الْمُشَارَكَةِ فِي الْعَالِبِ. وَالْمُشَارَكَةُ هِيَ أَنْ يَفْعَلَ الْوَاحِدُ بِالْآخِرِ مَا يَفْعَلُهُ الْآخِرُ بِهِ حَتَّى يَكُونَ كُلُّ مِنْهُمَا فَاعِلًا وَمَفْعُولًا نَحْوُ: «ضَارَبَ زَيْدٌ عَمْرًا».

1) Кўпинча мушоракага далолат қилиш учун келади. Мушорака – бир киши бошқасига нисбатан у бунга нисбатан қиладиган ишни қилмоқлигидир. Токи икковидан ҳар бири (маънан) фоил ҳам ва мафъул ҳам бўлади. Масалан: “ضَارَبَ -Зайд ва Амр урушди”, деган маънода бўлади.

(٢) وَيَكُونُ بِمَعْنَى فَعَلٍ أَيْ لِلتَّكْثِيرِ نَحْوُ: «ضَاعَفَ» بِمَعْنَى ضَعَّفَ.

2) “فَاعِلٌ” маъносида бўлади, яъни кўпайтириш учун келади. Масалан: “ضَاعَفَ” дейилса, “икки барабар оширмоқ”, деган маънода бўлади.

(٣) وَبِمَعْنَى أَفْعَلٍ نَحْوُ: «عَافَاكَ اللَّهُ» بِمَعْنَى أَعْفَاكَ وَ«بَاعَدْتُهُ» بِمَعْنَى أَبْعَدْتُهُ.

3) “أَفْعَلٌ” маъносида бўлади. Масалан: “عَافَاكَ اللَّهُ” дейилса, “Аллоҳ сени сакласин!”, деган маънода ва “بَاعَدْتُهُ” дейилса, “Уни узоқлаштирдим”, деган маънода бўлади.

(٤) وَقَدْ يَكُونُ فَاعِلٌ بِمَعْنَى فَعَلٍ الْمُجَرَّدِ نَحْوُ: «سَافَرَ زَيْدٌ» وَ«قَاتَلَهُ اللَّهُ» وَ«بَارَكَ فِيهِ».

4) Гохида “فَاعِلٌ” сулосий мужаррад бўлган “فَعَلٌ” маъносида бўлади. Масалан: “بَارَكَ فِيهِ” –Зайд сафар қилди”, “قَاتَلَهُ اللَّهُ” –Аллоҳ уни яқсон қилсин!” ва “بَارَكَ فِيهِ” –(марҳамати)га сазовор қилсин!” деган маъноларда бўлади.

أَفْعَلٌ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ أَفْعَلٍ لِمَعَانٍ:

Сулосий мужаррад “أَفْعَلْ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

(۱) التَّعْدِيَةِ نَحْوُ: «أَكْرَمْتُ الرَّسُولَ».

1) Таъдият учун келади. Масалан: “АКРМТُ الرَّسُولُ-Пайғамбарни эхтиром қилдим” маъносида бўлади.

(۲) الدُّخُولِ فِي الشَّيْءِ نَحْوُ: «أَمْسَى ابْنُ السَّبِيلِ» أَيْ دَخَلَ فِي الْمَسَاءِ.

2) Бир нарсага кириш учун келади. Масалан: “АМْسَى ابْنُ السَّبِيلِ” дейилса, “мусофир оқшомга кирди”, деган маънода бўлади.

(۳) قَصَدَ الْمَكَانَ نَحْوُ: «أَحْجَزَ» أَيْ قَصَدَ الْحِجَازَ وَ«أَغْرَقَ» أَيْ قَصَدَ الْعِرَاقَ.

3) Маконнинг қасди учун келади. Масалан: “أَحْجَزَ” дейилса, “Ҳижозни қасд қилди” ва “أَغْرَقَ” дейилса, “Ироқни қасд қилди”, деган маънода бўлади.

(۴) وَجُودٍ مَا اشْتَقَّ مِنْهُ الْفِعْلُ فِي صَاحِبِهِ نَحْوُ: «أَثْمَرَتِ الشَّجَرَةُ» أَيْ وَجَدَ فِيهَا الثَّمْرَ.

4) Ундан феъл чиқарилган исм ўз соҳибда топилганини билдириш учун келади. Масалан: “أَثْمَرَتِ الشَّجَرَةُ” дейилса, “дарахт мева берди” яъни “дарахтда мева топилди”, деган маънода бўлади.

(۵) الْمُبَالَغَةِ نَحْوُ: «أَشْعَلْتُهُ» أَيْ بَالَعْتُ فِي شِعْلِهِ.

5) Муболаға учун келади. Масалан: “أَشْعَلْتُهُ” дейилса, “уни машғул қилишда муболаға қилдим”, деган маънода бўлади.

(۶) إِصَابَةِ الشَّيْءِ عَلَى صِفَةٍ نَحْوُ: «أَعْظَمْتُهُ وَأَحْمَدْتُهُ وَأَكْبَرْتُهُ» أَيْ وَجَدْتُهُ عَظِيمًا وَمَحْمُودًا وَكَبِيرًا.

6) Бир нарсани маълум сифат узра топганини билдириш учун келади. Масалан: “أَعْظَمْتُهُ وَأَحْمَدْتُهُ وَأَكْبَرْتُهُ” дейилса, “уни буюк, мақтовга лойиқ ва катта дея топдим (билдим)”, деган маънода бўлади.

(۷) الصَّيْرُورَةَ نَحْوُ: «أَفْقَرَ الْبَلَدُ» أَيْ صَارَ قِفْرًا.

7) (Бирор нарсага) айланиш учун келади. Масалан: “أَفْقَرَ الْبَلَدُ” дейилса, “шаҳар сахрога айланди”, деган маънода бўлади.

(۸) الْعَرْضِ نَحْوُ: «أَبَاعَ الْعَبْدَ» أَيْ عَرَضَهُ لِلْبَيْعِ.

8) Таклиф учун келади. Масалан: “أَبَاعَ الْعَبْدَ” дейилса, “қулни сотишга таклиф қилди”, деган маънода бўлади.

(۹) السَّلْبِ نَحْوُ: «أَشْفَى الْمَرِيضَ» أَيْ زَالَ شِفَاؤُهُ.

9) Салб яъни бир нарсдан бошқасининг кетиши, йўқ бўлиши учун келади. Масалан: “أَشْفَى الْمَرِيضَ” дейилса, “қасалнинг шифоси йўқ бўлди”, деган маънода бўлади.

(۱۰) الْحَيْنُونَةَ نَحْوُ: «أَخْصَدَ الزَّرْعَ» أَيْ حَانَ حَصَادُهُ.

10) Маълум нарсанинг вақти яқинлашиши учун келади. Масалан: “أَحْصَدَ” дейилса, “ўсимликнинг йиғим-терим вақти яқинлашди”, деган маънода бўлади.

(۱) وَقَدْ يَكُونُ أَفْعَلٌ بِمَعْنَى الْمُجَرَّدِ نَحْوُ: «أَقْلْتُ الْبَيْعَ» بِمَعْنَى قِلْتُهُ أَيْ فَسَخْتُهُ.

11) Гоҳида “أَفْعَلٌ” мужаррад маъносида бўлади. Масалан: “أَقْلْتُ الْبَيْعَ” дейилса, сулосий мужаррада “قِلْتُهُ” маъносида, яъни “байни бекор қилдим” маъносида бўлади.

تَفَعَّلَ

يُنْقَلُ الْمُجَرَّدُ الثَّلَاثِي إِلَى وَزْنِ تَفَعَّلَ:

Сулосий мужаррад “تَفَعَّلَ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

(۱) لِمُطَاوَعَةِ فَعَلٍ. وَالْمُطَاوَعَةُ هِيَ حُصُولُ الْآثَرِ عِنْدَ تَعَلُّقِ الْفِعْلِ الْمُتَعَدِّي بِمَفْعُولِهِ نَحْوُ: «كَسَّرْتُ الرَّجْحَ فَتَكَسَّرَ».

1) “فَعَّلٌ”га мутоваъа учун келади. Мутоваъа - бу мутаъаддий феъл мафъулига тааллуқли бўлган пайтда таъсирнинг ҳосил бўлишидир. Масалан: “كَسَّرْتُ الرَّجْحَ فَتَكَسَّرَ”-шишани синдирдим, кейин (ёки натижада) у синди”. (Ушбу мисолда мутаъаддий “كَسَّرْتُ” феъли мафъули бўлган “الرَّجْحَ” калимасига тааллуқли бўлган пайтда феълнинг таъсири “فَتَكَسَّرَ” феъли, яъни синиш ҳосил бўлди).

(۲) لِلتَّكْلُفِ وَهُوَ مُعَانَاةُ الْفَاعِلِ الْفِعْلَ لِيَحْصُلَ نَحْوُ: «تَشَجَّعَ عَمْرُو» أَيْ تَكَلَّفَ الشَّجَاعَةَ وَعَانَاهَا لِتَحْصُلِ.

2) Такаллуф учун келади. Такаллуф - бу фоил феълни ҳосил қилиш учун қийналмоғидир. Масалан: “تَشَجَّعَ عَمْرُو” яъни “Амр ўзида жасорат ҳосил бўлиши учун такаллуф қилди ва қийналди”.

(۳) لِاتِّخَاذِ الْفَاعِلِ أَصْلَ الْفِعْلِ مَفْعُولًا نَحْوُ: «تَبَيَّنْتُ يُوسُفَ» أَيْ اتَّخَذْتُهُ ابْنًا.

3) Фоил феълнинг аслини мафъул қилиб олиши учун келади. Масалан: “تَبَيَّنْتُ” дейилса, “Юсуфни ўғил қилиб олдим” деган маънода бўлади. (“табаннайту”нинг асли “ибн” яъни ўғил сўзидир).

(۴) لِلدَّلَالَةِ عَلَى مُجَانَبَةِ الْفِعْلِ نَحْوُ: «تَهَجَّدَ» أَيْ جَانَبَ الْهُجُودِ وَ«تَأْتَمَّ» أَيْ جَانِبَ الْأَيْمِ وَ«تَذَمَّمَ» أَيْ جَانِبَ الذِّمِّ.

4) Феълдан ўзини олиб қочиш ва узоқ тутишга далолат қилиши учун келади. Масалан: “تَهَجَّدَ” дейилса, “(кечаси) ухлашдан сақланди, ўзини узоқ қилди” ва “تَأْتَمَّ” дейилса, “гуноҳдан ўзини узоқ қилди”, деган маъноларда бўлади.

5) لِلصَّيْرُورَةِ نَحْوُ: «تَأَيَّمَتِ الْمَرْأَةُ» أَيْ صَارَتْ أَيِّمًا.

5) (Бирор нарсага) айланиш учун келади. Масалан: “تَأَيَّمَتِ الْمَرْأَةُ” дейилса, “аёл бева бўлди яъни тулга айланди”, деган маънода бўлади.

6) لِلدَّلَالَةِ عَلَى حُصُولِ أَصْلِ الْفِعْلِ مَرَّةً بَعْدَ مَرَّةٍ نَحْوُ: «تَجَرَّعَ» أَيْ شَرِبَ جُرْعَةً بَعْدَ جُرْعَةٍ.

6) Феълнинг асли бир мартадан кейин яна бир марта ҳосил бўлганига далолат қилиш учун келади. Масалан: “تَجَرَّعَ” дейилса, “у бир хўпламдан кейин яна бир хўплам сув ичди”, деган маънода бўлади.

7) لِلطَّلَبِ نَحْوُ: «تَعَجَّلَ الشَّيْءُ» أَيْ طَلَبَ عَجَلَتَهُ وَ«تَيَّبَنَهُ» أَيْ طَلَبَ بَيَّانَهُ.

7) Талаб учун келади. Масалан: “تَعَجَّلَ الشَّيْءُ” дейилса, “бир нарсанинг тезроқ бўлишини талаб қилди” ва “تَيَّبَنَهُ” дейилса, “унинг баёнини талаб қилди”, деган маъноларда бўлади.

8) لِاتِّخَاذِ الْفِعْلِ مِنَ الْأِسْمِ نَحْوُ: «تَوَسَّدَ» أَيْ اتَّخَذَ وَسَادَةً.

8) Исмдан феъл чиқариш учун келади. Масалан: “تَوَسَّدَ” дейилса, “ёстик қилиб олди”, деган маънода бўлади.

9) لِلإِتِّسَابِ نَحْوُ: «تَبَدَّى» أَيْ إِتْسَبَ إِلَى الْبَادِيَةِ.

9) Бирор нарсага мансуб бўлиш учун келади. Масалан: “تَبَدَّى” дейилса, “у бадавийларга мансуб бўлди”, деган маънода бўлади.

تَفَاعُلٌ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ تَفَاعَلَ:

Сулосий мужаррад “تَفَاعَلَ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

1) لِلْمُشَارَكَةِ وَهُوَ الْعَالِبُ فِيهِ. نَحْوُ: «تَصَالَحَ الْقَوْمُ» وَ«تَشَارَكَ الرَّجُلَانِ».

1) Мушорақа учун келади ва бу ундаги ғолиб ҳолатдир. Масалан: “تَصَالَحَ الْقَوْمُ - қавм ўзаро ярашди” ва “تَشَارَكَ الرَّجُلَانِ - икки киши шериклик қилди”, деган маъноларда бўлади.

2) لِمُطَاوَعَةِ فَاعِلٍ. نَحْوُ: «بَاعَدْتُهُ فِتْبَاعَدَ».

2) “فَاعَلَ” га мутоваъа учун келади. Масалан: “بَاعَدْتُهُ فِتْبَاعَدَ - уни ажратдим, натижада ажралди”. (Ушбу мисолда “فَاعَلَ” га мутоваъа бўлиб, “بَاعَدْتُ” феъли мафъули бўлган “” замирига тааллуқли бўлган пайтда феълнинг таъсири “فِتْبَاعَدَ” феъли, яъни ажралиш ҳосил бўлди).

3) لِإِظْهَارِ مَا لَيْسَ فِي الْبَطْنِ نَحْوُ: «تَمَارَضْتُ» أَيْ أَظْهَرْتُ الْمَرَضَ وَلَيْسَ بِي مَرَضٌ.

3) Ичида бўлмаган нарсани зоҳир қилиш маъноси учун келади. Масалан: “تَمَارَضْتُ” дейилса, “ўзимни касал кўрсатдим, ҳолбуки менда касаллик йўқ эди”, деган маънода бўлади.

٤) لِلْوُقُوعِ تَدْرِيجًا نَحْوُ: «تَوَارَدَ الْقَوْمُ» أَيْ وَرَدُوا دَفْعَةً بَعْدَ أُخْرَى.

4) Фельнинг батадриж (аста-секин) воқеъ бўлганини билдириш учун келади. Масалан: “تَوَارَدَ الْقَوْمُ” дейилса, “қавм бир мартадан кейин яна бир марта тушди”, деган маънода бўлади.

٥) وَقَدْ يَكُونُ تَفَاعُلٌ بِمَعْنَى الْمُجَرَّدِ نَحْوُ: «تَعَالَى اللَّهُ وَتَسَامَى» أَيْ عَلَا وَسَمَا.

5) Гоҳида “تَفَاعُلٌ” мужаррад маъносида бўлади. Масалан: “تَعَالَى اللَّهُ وَتَسَامَى” дейилса, сулосий мужаррада “عَلَا وَسَمَا” маъносида, яъни “Аллоҳ олий ва улуғ бўлди”, деган маънода бўлади.

إِفْتَعَلَ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ إِفْتَعَلَ:

Сулосий мужаррад “إِفْتَعَلَ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

١) لِمُطَاوَعَةِ فَعَلٍ نَحْوُ: «جَمَعْتُهُ فَاجْتَمَعَ».

1) “فَعَلَ” га мутоваъа учун келади. Масалан: “جَمَعْتُهُ فَاجْتَمَعَ”-уни жамладим, кейин жам бўлди”. (Ушбу мисолда “إِفْتَعَلَ” “فَعَلَ” га мутоваъа бўлиб, “جَمَعْتُ” феъли мафъули бўлган “ه” замирига тааллуқли бўлган пайтда фельнинг таъсири “فَاجْتَمَعَ” феъли, яъни жам бўлиш ҳосил бўлди.

٢) لِاتِّخَاذِ الْفِعْلِ مِنَ الْإِسْمِ نَحْوُ: «اخْتَبَرَ» أَيْ اتَّخَذَ الْخُبْرَ.

2) Исмдан феъл чиқариш учун келади. Масалан: “اخْتَبَرَ” дейилса, “нон қилди”, деган маънода бўлади.

٣) لِلْمُبَالَغَةِ فِي الْمَعْنَى نَحْوُ: «اِكْتَسَبَ» أَيْ بَالَعَ فِي الْكَسْبِ.

3) Муболаға учун келади. Масалан: “اِكْتَسَبَ” дейилса, “касбда муболаға қилди”, деган маънода бўлади.

٤) لِلطَّلَبِ نَحْوُ: «اِكْتَدَّ فَلَانًا» أَيْ طَلَبَ مِنْهُ الْكَدَّ.

4) Талаб учун келади. Масалан: “اِكْتَدَّ فَلَانًا” дейилса, “ундан машаққатни талаб қилди”, деган маънода бўлади.

٥) وَقَدْ يَكُونُ إِفْتَعَلَ بِمَعْنَى فَعَلَ نَحْوُ: «اجْتَذَبَ» بِمَعْنَى جَذَبَ.

5) Гоҳида “إِفْتَعَلَ” сулосий мужаррад бўлган “فَعَلَ” маъносида бўлади. Масалан: “اجْتَذَبَ” “اجْتَذَبَ-тортди” маъносида.

٦) وَبِمَعْنَى تَفَاعُلٍ نَحْوُ: «اِحْتَصَمَ» بِمَعْنَى تَخَاصَمَ.

6) Гоҳида “اِحْتَصَمَ” “اِحْتَصَمَ-бир-бири билан тортишди” маъносида.

اِنْفَعَلَ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ إِنْفَعَلَ:

Сулосий мужаррад “إِنْفَعَلَ” вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

١) لِمُطَاوَعَةٍ فَعَلَ نَحْوُ: «كَسَرْتُهُ فَانْكَسَرَ». وَلَا يَرِدُ لِمُطَاوَعَةٍ أَفْعَلَ إِلَّا شُدُودًا نَحْوُ: «أَزَعَجَهُ فَانْزَجَعَ» وَ«أَصَارُهُ فَانْصَارَ». وَلَا يُبْنَى إِنْفَعَلَ إِلَّا مِمَّا فِيهِ عِلَاجٌ وَتَأْتِيرٌ وَلِهَذَا لَا يُقَالُ: «عَلِمْتُ الْمَسْأَلَةَ فَانْعَلَمْتُ» وَلَا «ظَنَنْتُ الْأَمْرَ فَانْظَنْتُ».

1) “فَعَلَ”га мутоваъа учун келади. Масалан: “كَسَرْتُهُ فَانْكَسَرَ”-уни синдирдим, натижада синди”. (Ушбу мисолда “إِنْفَعَلَ” “فَعَلَ”га мутоваъа бўлиб, “كَسَرْتُ” феъли мафъули бўлган “ة” замирига тааллуқли бўлган пайтда феълнинг таъсири “فَانْكَسَرَ” феъли, яъни синиш ҳосил бўлди). “إِنْفَعَلَ” боби “أَفْعَلَ”га мутоваъа бўлиб келмайди. Келса ҳам оз ўринларда келади. Масалан: “أَزَعَجَهُ فَانْزَجَعَ”-уни безовта қилди, натижада безовта қилинди” ва “أَصَارُهُ فَانْصَارَ”-уни вайрон қилди, натижада вайрон қилинган бўлди” мисолларидек. (Ушбу мисолларда “إِنْفَعَلَ” “أَفْعَلَ”га мутоваъа бўлиб, “أَزَعَجَ” ва “أَصَارَ” феъллари мафъули бўлган “ة” замирига тааллуқли бўлган пайтда феълнинг таъсири “فَانْزَجَعَ” ва “فَانْصَارَ” феъллари, яъни безовта қилиниш ва вайрон қилиниш ҳосил бўлди). “إِنْفَعَلَ” боби фақатгина зоҳирий аъзолар билан қилинадиган ва бошқага таъсири ўтадиган феъллардан бино қилинади (қурилади). Шунинг учун ҳам “عَلِمْتُ الْمَسْأَلَةَ فَانْعَلَمْتُ” ва “ظَنَنْتُ الْأَمْرَ فَانْظَنْتُ”, деб айтилмайди. (Чунки, “عَلِمْتُ” ва “ظَنَنْتُ” феъллари қалб феълларидир. Қалб феъллари эса, мутоваъа учун келмайди).

إِفْعَلٌ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ إِفْعَلٍ:

Сулосий мужаррад “إِفْعَلٌ” вазнига қуйидаги маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

١) لِلدَّلَالَةِ عَلَى الدُّخُولِ فِي الصِّفَةِ نَحْوُ: «إِحْمَرَّ الْبُسْرُ» أَيْ دَخَلَ فِي الْحُمْرَةِ.

1) Сифатга киришига далолат қилиши учун келади. Масалан: “إِحْمَرَّ الْبُسْرُ” дейилса, “(пишиб етилмаган) хурмо қизилликка кирди”, деган маънода бўлади.

٢) لِلْمُبَالَغَةِ نَحْوُ: «إِسْوَدَّ اللَّيْلُ» أَيْ اِسْتَدَّ سَوَادُهُ. وَأَكْثَرُ مَجِيئِهِ فِي الْأَلْوَانِ وَالْعُيُوبِ.

2) Муболаға учун келади. Масалан: “إِسْوَدَّ اللَّيْلُ” дейилса, “тун қоп-қоронғу бўлди”, деган маънода бўлади. Бу боб ранг ва айблар хусусида кўпроқ келади.

إِسْتَفْعَلٌ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ إِسْتَفْعَلٍ:

Сулосий мужаррад «إِسْتَفْعَلَ» вазнига бир неча маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

١) لِلطَّلَبِ نَحْوُ: «إِسْتَعْفَرَ» أَيْ طَلَبَ الْمَغْفِرَةَ.

1) Талаб учун келади. Масалан: «إِسْتَعْفَرَ» дейилса, “мағфиратни талаб қилди”, деган маънода бўлади.

٢) لَوْجِدَانِ الْمَفْعُولِ عَلَى صِفَةِ نَحْوُ: «إِسْتَعْظَمَ الْأَمْرُ وَاسْتَحْسَنَهُ» أَيْ وَجَدَهُ عَظِيمًا وَحَسَنًا.

2) Мафъулни бир сифат узра топиш маъносини ифода қилиш учун келади. Масалан: «إِسْتَعْظَمَ الْأَمْرُ وَاسْتَحْسَنَهُ» дейилса, “бу ишни улкан ва чиройли деб топди”, деган маънода бўлади.

٣) لِلتَّحَوُّلِ نَحْوُ: «إِسْتَحْجَرَ الطِّينُ» أَيْ تَحَوَّلَ حَجْرًا.

3) Ўзгариш учун келади. Масалан: «إِسْتَحْجَرَ الطِّينُ» дейилса, “лой тошга айланди”, деган маънода бўлади.

٤) لِلتَّكْلِيفِ نَحْوُ: «إِسْتَجْرَأَ» أَيْ تَكَلَّفَ الْحُرَّةَ.

4) Такаллуф учун келади. Масалан: «إِسْتَجْرَأَ» дейилса, “жасоратда такаллуф қилди (ўзини қийнади)”, маъносида бўлади.

٥) لِلْمُطَاوَعَةِ نَحْوُ: «أَرَّاحَهُ فَاسْتَرَّاحَ».

5) Мутоваъа учун келади. Масалан: “أَرَّاحَهُ فَاسْتَرَّاحَ-унга дам берди, натижада у дам олди”. (Ушбу мисолда мутаъаддий “أَرَّاحَ” феъли мафъули бўлган “” замирига тааллуқли бўлган пайтда феълнинг таъсири “فَاسْتَرَّاحَ” феъли, яъни дам олиш ҳосил бўлди.

٦) وَقَدْ يَكُونُ إِسْتَفْعَلَ بِمَعْنَى فَعَلَ الْمُجَرَّدِ نَحْوُ: «إِسْتَقَرَّ» أَيْ قَرَّ.

6) Гоҳида «إِسْتَفْعَلَ» сулосий мужаррад бўлган “فَعَلَ” маъносида бўлади. Масалан: «إِسْتَقَرَّ» дейилса, “қарор топди”, маъносида бўлади.

إِفْعَوْعَلَ

يُنْقَلُ إِلَى وَزْنِ إِفْعَوْعَلَ:

Сулосий мужаррад «إِفْعَوْعَلَ» вазнига қуйидаги маъноларни ифода қилиш учун кўчирилади:

١) لِلْمُبَالَغَةِ نَحْوُ: «إِحْقَوْفَ وَإِحْدَوْدَبَ».

1) Муболаға учун келади. Масалан: «إِحْقَوْفَ وَإِحْدَوْدَبَ» дейилса, “у эгриликда узун бўлди (эгриликда муболаға қилди) ва қаддини букди (эгриликда муболаға қилди)”, деган маънода бўлади.

٢) وَقَدْ يَكُونُ إِفْعَوْعَلَ بِمَعْنَى فَعَلَ الْمُجَرَّدِ نَحْوُ: «إِحْلَوْلَى التَّمْرِ» أَيْ حَلَّا.

2) Гоҳида «إِفْعَوْعَلَ» сулосий мужаррад бўлган “فَعَلَ” маъносида бўлади. Масалан: «إِحْلَوْلَى التَّمْرِ» дейилса, “хурмо ширин бўлди”, маъносида бўлади.

إِفْعَالٌ وَ إِفْعَالٌ

يَكُونَانِ لِلْمُبَالَغَةِ نَحْوُ: «إِحْلَوْدٌ» أَيْ مَضَى مُسْرَعًا وَ «إِحْمَارٌ» أَيْ إِشْتَدَّ إِحْمِرَارُهُ عَلَى التَّذْرِيجِ. وَيَخْتَصُّ إِفْعَالٌ فِي اللَّوَانِ وَالْعُيُوبِ.

Бу иккала боб муболаға учун бўлади. Масалан: “إِحْلَوْدٌ” дейилса, “шошилиб ўтди” ва “إِحْمَارٌ” дейилса, “у аста-секин қип-қизил бўлди”, деган маъноларда бўлади. “إِفْعَالٌ” боби ранглар ва танбеҳларда хос бўлган бобдир.

تَفَعَّلَ

يُنْقَلُ الرَّبَاعِيُّ الْمُجَرَّدُ إِلَى تَفَعَّلَ لِمُطَاوَعَةِ الْمُجَرَّدِ نَحْوُ: «زَعَزَعْتُهُ فَتَزَعَزَعَ».

Рубоъий мужаррад “تَفَعَّلَ” вазнига мужаррадга мутоваъа учун кўчирилади. Масалан: “زَعَزَعْتُهُ فَتَزَعَزَعَ-уни тебротди, бас у тебранди”. Ушбу мисолда мутаъаддий “زَعَزَعْتُ” феъли мафъули бўлган “ة” замирига тааллуқли бўлган пайтда феълнинг таъсири “فَاسْتَرَاحَ” бўлиб ҳосил бўлди.

إِفْعَلَّ وَ إِفْعَنَّ

يُنْقَلُ الرَّبَاعِيُّ الْمُجَرَّدُ إِلَى إِفْعَلَّ وَ إِفْعَنَّ لِلْمُبَالَغَةِ نَحْوُ: «إِحْرَنْجَمَتِ الْبَابِلُ» أَيْ اجْتَمَعَتْ مُتْرَاكِمَةً «وَاقْشَعَرَ جِلْدُهُ» أَيْ أَخَذَتْهُ الرَّعْدَةُ فَتَقَبَّضَ.

Рубоъий мужаррад “إِفْعَلَّ وَ إِفْعَنَّ” вазнларига муболаға учун кўчирилади. Масалан: “إِحْرَنْجَمَتِ الْبَابِلُ” дейилса, “туялар тўп-тўп бўлиб тўпланишди” ва “وَاقْشَعَرَ وَاقْشَعَرَ-унинг терси қалтиради” дейилса, “уни қалтираш ушлади бас у гижимланди”, деган маъноларда бўлади. “إِفْعَالٌ” боби ранглар ва танбеҳларда хос бўлган бобдир.

وَاعْلَمَ أَنَّ الصَّرْفِيِّينَ ذَكَرُوا غَيْرَ هَذِهِ مِنَ الْأَعْرَاضِ فَاصْرَبْنَا عَنْهَا خَوْفَ التَّطْوِيلِ.

Билинг, албатта, сарф олимлари бундан бошқа мақсадларни ҳам зикр қилдилар, лекин, биз уни узун бўлиб кетмаслиги учун ундан четландик.

وَكَثُرَ أَبْنِيَّةُ هَذِهِ الْمَزِيدَاتِ سَمَاعِيَّةٌ لَا يُقَاسُ عَلَيْهَا. وَلَا يَلْزَمُ فِي كُلِّ مُجَرَّدٍ أَنْ يُسْتَعْمَلَ لَهُ مَزِيدٌ وَلَا

فِي مَا اسْتُعْمِلَ بِهِ بَعْضُ الْمَزِيدَاتِ أَنْ يُسْتَعْمَلَ لَهُ الْقِسْمُ الْآخَرُ. وَالْمَدَارُ فِي ذَلِكَ عَلَى كُتُبِ اللُّغَةِ.

Бу мазид феълларининг биноларини кўпроғи самоъийдир қиёсий эмас. Ҳар бир мужаррад учун мазид ишлатилиши лозим эмас. Шунингдек, мазиднинг баъзи боблари ишлатиладиган мужаррад учун унинг бошқа қисмлари ҳам ишлатилиши лозим эмас. (Яъни битта мужаррадан мазиднинг барча бобларига кўчирилиши шарт эмас.)

Мана шу (боблар маъноси)ни билишликдаги суяниладиган жой луғат китобларидир.